

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Кутлимуратов Махмуджон Шарипбаевич

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети тингловчиси,
капитан

Аннотация: Ҳар қандай демократик жамиятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш муҳим устувор вазифалардан биридир. Чунки ҳуқуқбузарликлар нафақат қонун бузилиши, балки жамиятда тартибнинг бузилиши, инсон хавфсизлигига таҳдид, иқтисодий барқарорлик ва маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси давлат сиёсати даражасида қаралади.

Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, жиноятчиликни камайтириш ва аҳоли билан самарали ишлаш механизмларини яратишга қаратилган. Мазкур мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти таҳлил қилинади.

Аннотация: В любом демократическом обществе борьба с преступностью и правонарушениями, а также их предупреждение является одной из важнейших приоритетных задач. Потому что правонарушения — это не только нарушение закона, но и нарушение порядка в обществе, угроза безопасности людей, экономической стабильности и негативное влияние на моральную атмосферу. Поэтому профилактика правонарушений рассматривается на уровне государственной политики. В последние годы в Узбекистане в этом направлении проводятся реформы, направленные на повышение правового сознания и правовой культуры, снижение уровня преступности и создание эффективных механизмов взаимодействия с населением. В данной статье рассматриваются проводимые в сфере профилактики правонарушений реформы, их содержание, сущность и значимость.

Annotation: In any democratic society, the fight against crime and offenses, as well as their prevention, is one of the most important priority tasks. This is because offenses are not only a violation of the law but also a disruption of public order, a threat to people's safety, economic stability, and a negative impact on the moral atmosphere. Therefore, the prevention of offenses is considered at the level of state policy.

In recent years, reforms are being carried out in Uzbekistan in this direction, aimed at raising legal awareness and legal culture, reducing crime rates, and creating effective mechanisms for interaction with the population. This article examines the ongoing reforms in the field of offense prevention, their content, essence, and significance.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, “оғир” ва “мураккаб” маҳалла.

Ключевых слов: правонарушение, профилактика правонарушений, субъекты, осуществляющие профилактику правонарушений, правоохранительные органы, "трудный" и "сложный" маҳалля.

Key terms: violation, prevention of offenses (or crime prevention), entities (or bodies) responsible for implementing crime prevention, Law enforcement agencies, "Difficult" and "complex" mahalla.

КИРИШ

Мамлакатимизнинг ривожланиш жараёнида, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўтган қисқа даврда мамлактаимизда барча соҳаларда кўзга кўринарли ислохотлар амалга оширилди, булар ҳар бир соҳада, жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

«Словари и энциклопедии на Академике»² (<https://dic.academic.ru>) сайтида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, «профилактика» тушунчаси грекча «prophylaktikos» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилига айнан таржима қилинганда «сақлаш, эҳтиёт қилиш» (предохранительный) маъносини беради. «Профилактика» тушунчасига «олдини олиш, эҳтиёт чораси(ни) кўриш, олдиндан бартараф қилиш» (предотвращение), «хабардор қилиб қўйиш, огоҳлантириш, олдини олиш» (предупреждение), «сақлаш, эҳтиёт қилиш» (предохранение) сўзлари синоним сўзлар ҳисобланади.

Фикримизча, профилактика бу ҳар қандай соҳада вужудга келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг "олдини олиш" маъносини англатади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда жиноят ва бошқа ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг содир этилишини барвақт аниқлаш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Ушбу жараённинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Фуқароларда ҳуқуқий онгни шакллантириш;
- Ижтимоий хавfli хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;
- Қонун устуворлигини таъминлаш;
- Жиноятга мойил тоифалар билан ишлашни самарали ташкил қилиш.

Шу ўринда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчасига алоҳида тўхталадиган бўлсак, **“ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”** — бу ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва

² Словари и энциклопедии на Академике. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc3p/246202>

уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими³ бўлиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига оид ислоҳотлар асосан қонунчилик ва давлат органларининг ишини такомиллаштириш, жамоатчилик ва фуқароларни профилактика жараёнларига жалб қилиш, профилактика фаолиятининг мониторингини таъминлашга қаратилган. Ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

• **Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш:** Жамиятдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятлар хавфини камайтириш.

• **Профилактика фаолиятини самарали ташкил қилиш:** Давлат органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш.

• **Қонунчиликни мукамаллаштириш:** Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни ислоҳ қилиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни олдини олиш жамиятдаги ҳуқуқий тартибни сақлашга қаратилган муҳим фаолиятдир. Қонунларнинг самарали ишлаши, ҳуқуқий механизмларнинг такомиллаштирилиши, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим омиллардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январь куни қабул қилинган “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 1-сонли Қарори⁴ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларнинг **янги босқичини** белгилайди.

Мазкур қарор мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада оширишни, шу билан бирга жамиятдаги ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш,

³ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. 3-м. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/2387357>. (мурожаат вақти 17.09.2025)

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/7330260> (мурожаат вақти 17.09.2025)

жиноятчиликнинг камайишини ва мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янги даражага кўтариш учун муҳим қадам ҳисобланади.

Мазкур қарор жамиятда маҳаллий даражада ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тизимини такомиллаштириш, маҳаллада хавфсизликни таъминлаш ва жамоатчилик фаоллигини оширишга қаратилган.

Қарорга асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида қандай ижобий ислохотлар амалга оширилди?!

Биринчидан, масъул идоралар ва муассасалар учун 2025 йилда «Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш» устувор вазифа этиб белгиланди.

Масъуллар фаолияти ҳар ой якунида — ички ишлар вазири ҳузурида, ҳар чорак якунида — бош прокурор ҳузурида, ҳар ярим йилда бош вазир ҳузурида танқидий муҳокама қилинади, ҳар бир маҳалла кесимида президентга ахборот бериб борилади.

Маҳаллалар жамоат жойлари ва яшаш хонадонларида хавфсиз муҳит яратиш, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ва техник воситаларни кенг жорий этиб борилади.

Иккинчидан, қарорга мувофиқ, вилоятлар марказлари ва криминоген вазият оғир туман (шаҳар)лар маҳаллаларида **профилактика кичик инспектори фаолияти йўлга қўйилди**. Кичик инспекторларга меҳнат мигрантлари, мактаб битирувчилари ва талабалар билан ишлаш вазифаси юклатилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятидаги мутлақо янги тузилма бўлган туманлараро **маъмурий конвой гуруҳлари** ташкил қилинди⁵.

Мазкур қарор қабул қилунгунига қадар маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхоналарга, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказларига ҳамда наркологик касалликларга чалинган шахсларни даволаш муассасаларига олиб боришда профилактика инспекторлари томонидан уларнинг шахсий автотранспортларида ёки тижорат автотранспортларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилган. Бу эса ўз навбатида профилактика инспекторларининг белгиланган маҳалла ҳудудидан ташқарига чиқишига, ортиқча сарф-харажат қилишига ҳамда фуқароларнинг ортиқча сарсон бўлишига олиб келаётган эди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар органларида туманлараро **маъмурий конвой гуруҳларининг** ташкил қилинганлиги профилактика инспекторининг вақтини тежашга ҳамда махсус тоифадаги шахсларнинг хавфсизлиги тўлиқ таъминланган ҳолда манзилдан манзилга етказиш, қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, синов тариқасида **криминоген вазият оғир ҳудудлардаги профилактика бўлинмаларида маъмурий амалиёт гуруҳлари фаолияти йўлга**

⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларининг туманлараро маъмурий конвой гуруҳлари фаолиятини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2025 йил 21 февралдаги 116-сонли буйруғи.

қўйилади ва улар жиноят иши қўзғатишни рад этишга оид ҳужжатларни ўрганиб, таркибида маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлган ҳолатлар юзасидан ҳужжатларни расмийлаштиради.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти йўлга қўйилади. Унга профилактика (катта, кичик) инспекторлари, хотин-қизлар масалалари бўйича, пробация, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва патруль-пост хизматлари инспекторлари ҳамда тезкор-қидирув хизмати ходими киритилади, Миллий гвардия қўриқлаш бўлинмаларининг нарядлари хизмат олиб бориши ташкил этилади.

Натижада — 5 тагача маҳалла микроҳудудга бирлаштирилади ва жиноятчилик олдини олиш бўйича тезкор ҳаракатланиш тизими яратилади.

“Ижтимоий профилактика тадбирларини”⁶ни самарали амалга ошириш учун:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик «E-ma'muriy ish»да рўйхатдан ўтганда ҳуқуқбузар (*жабрланувчи*)ларга автоматик ижтимоий профилактикани амалга ошириш бўйича хулоса ижрога қаратилади;

- ҳар бир хулоса ижроси устидан кунлик назорат ўрнатилади «маҳалла еттилиги» ва кўмаклашувчиларнинг фаолияти (*KPI*) ижтимоий профилактика натижалари асосида баҳоланади.

Маҳалла раиси «маҳалла еттилиги» ва маҳаллага бириктирилган давлат органлари билан ижтимоий профилактика тадбирларини ташкил этади.

Криминоген вазияти оғир маҳаллаларда камида биттадан «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз йўлак»лар ташкил қилинади.

«Намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз йўлак» ҳамда «Намунали хавфсиз уй»ларни ташкил қилган, криминоген вазияти барқарорлашган «маҳалла еттилиги» ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўшимча моддий рағбатлантирилиб борилади.

Бир сўз билан айтганимизда, қарорнинг ижроси, унинг асосий мақсадларига эришиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва натижаларга айниқса эътибор қаратилмоқда.

Фикримизча, бунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида аниқ бирдамлик, ресурслар етказиб бериш ва қарорни бажариш учун тайёрланган профессионал кадрлар муҳим ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини самарали амалга ошириш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳамкорлиги жиноятчиликка қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги ислохотлар, қонунлар ва профилактика тадбирлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлиб, улар жамиятдаги ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, жамоатчиликни

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 801-сон қарори. Электрон манба <https://www.lex.uz/docs/7243832> (муружаат вақти 18.09.2025)

профилактика фаолиятига жалб қилиш ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш бу жараённинг самарали амалга оширилишига катта ҳисса қўшаётганини айтиш мумкин.

ХУЛОСА

Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — жамиятдаги ҳуқуқий тартибни сақлаш ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бу фаолият нафақат қонунчиликни мустаҳкамлаш, балки жамиятдаги маънавий ва ижтимоий муҳитни яхшилаш, ёшлар ва аҳолини ҳуқуқий саводхонликка ўргатиш, жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали механизмларини яратишга қаратилган. Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, агар даврий мониторинг, жамоатчилик ва давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик билан амалга оширилса, ўзининг максимал самарасини беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ушбу соҳадаги ислохотлар аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, жиноятчиликни камайитириш ва жамиятда хавфсиз муҳитни яратиш учун янги механизмлар ишлаб чиқилган. Маҳалла тизимининг роли ва жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти, шунингдек, ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чоралар, мамлакатдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига катта ёрдам беради.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – бу фақат жазо бериш эмас, балки жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш, муаммоларни барвақт аниқлаш орқали барқарорликка эришишдир.

Шундай экан, Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ҳам мамлакатда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали тизим яратишда муҳим қадам бўлиб ҳисобланади. Маҳалла тизимидаги ҳуқуқий ва ижтимоий ташаббусларни мустаҳкамлаш, жамоатчилик билан биргаликда профилактик тадбирларни кенгайтириш ва ёшлар орасида ижтимоий масъулиятни ошириш – қарорнинг асосий мақсадларидир. Бу чора-тадбирлар, ўз навбатида, жамиятда умумий хавфсизликни таъминлашга ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентиининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 801-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларининг туманлараро маъмурий конвой гуруҳлари фаолиятини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2025 йил 21 февралдаги 116-сонли буйруғи.

6. Алиев, М. А. (2024). “Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари”. Тошкент, “Академия” нашриёти.